

**ҚАДАХ СҮЗИ НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ ВЕРБАЛ ВА НОВЕРБАЛ
ВОСИТАЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

Анорбоева Махбуба Собировна

Андижон давлат чет тиллари институти ўқитувчиси

Дунё тилшунослигига етарлича оммавийлашиб бораётган нутқий жанрлар назариясининг ривожланиши бевосита лингвистик антропология, социолингвистика, лингвопрагматика, когнитология, матн лингвистикаси, амалий лингвистика, шу билан бирга, тилшуносликка ёндош бўлган риторика, поэтика, маданиятшунослик, этнография, композицион тадқиқотлар, қолаверса, техник коммуникация, социология, таълим, адабиёт каби соҳалардаги тадқиқотлар билан боғлик²². Жанр тушунчаси турли фан доираларида ўзига хос талқин қилинар экан, лингвистик, риторик, социал анъанааларда жанр тушунчасига нисбатан социал ва коммуникатив-риторик мақсадларни ифодаловчи маҳсус шакл сифатидаги қарашлар юзага келди. Айтиш мумкинки, нутқий жанрнинг, асосан, лингвистик, риторик, ижтимоий (социал) хусусиятлари олимларнинг дикқат марказида бўлди.

Нутқий жанрлар назарияси ривожида рус лингвистик жанр мактаби (Россия), Систем-функционал (Австралия) мактаби, тарихий корпус (АҚШ) лингвистикаси, амалий тилшунослик/маҳсус мақсадлар учун мўлжалланган инглиз тили (АҚШ, Буюк Британия), риторик жанр тадқиқотлари (Канада, АҚШ), лингвистик, риторик, социал тадқиқотлар таъсирида ёки ушбу тадқиқотларнинг синтези ёхуд маълум бир мазмунда мазкур илмий йўналишлар олға сурган ғояларни тарғиб этувчи бир қатор хорижий илмий мактаблар (Бразилия, Франция, Швеция, Даниянинг Копенгаген илмий мактаблари) муҳим аҳамият касб этади.

Нутқий жанр назариясида нутқий мақсад, услугуб ва композиция асосий унсурлардандир²³. Нутқий мақсад, композиция, услугуб нутқий жанрни нутқий коммуникацияга тайёр ҳолатга келтирувчи асосий унсурлардандир. Нутқий мақсаднинг пайдо бўлиши муайян нутқий ҳаракатни шакллантиради. Нутқий ҳаракатнинг нутқ жараёни билан бевосита боғланиши ва реаллашуви нутқий жанр орқали бўлади. Услуб нутқий жанр қолипини у ёки бу нутқий вазият учун танлаш имкониятини берса, композиция эса унга шакл беради.

Нутқий мақсад ҳақида гап борганда шуни айтиш керакки, нутқий мақсаднинг муайян шароитда, муайян нутқий вазиятда воқеъланиши, шакл олиши нутқий жанрни шакллантиради. Тўлақонли шаклланган нутқий мақсад тилшуносликда нутқий акт деб номланади.

²²Bawarshi A.S. Кўрсатилган асар. – Б. 3; Габуния З.М., Кремшакалова М.Ч. Жанр речи как единица современной лингвистики. Электронный ресурс:

<http://revistaseug.ugr.es/index.php/cre/article/viewFile/2593/2736> Дата обращения: 13.12.2018

²³Бахтин М.М. Проблема речевых жанров // М.М.Бахтин. Литературно-критические статьи. – Москва, 1986, 428-472.



Тўплаб ўрганилган илмий материаллар шуни кўрсатадики, қадаҳ сўзи матнида бир ёки бир нечта нутқий актлар кузатилади. Масалан, матнинг кириш қисмида эълон нутқий акти, эслатма шаклидаги мақтov, табриқ, яхши ният, дуо, таклиф кабилар. Баъзан қадаҳ сўзи матни бир нутқий актнинг қисқартирилган шакли, яъни бир жумладан ҳам иборат бўлиши мумкин. Масалан, *Узоқ йиллик дустлигимиз, биродарлигимиз учун!* каби. Қадаҳ нутқий жанрида ҳар бир нутқий акт матни ўзининг семантиқ, синтактиқ, грамматик қурилишига эга.

Қадаҳ сўзи нутқий жанрида вербал ва новербал воситаларнинг ўз ўрнида, керакли вактда қўлланилиши жуда муҳимдир. Шу ўринда таъкидлаш керакки, қадаҳ сўзи нутқий жанрининг вербал воситалари, албатта, қадаҳ сўзи нутқий жанрининг матний тузилиши, новербал воситалари эса қадаҳ сўзининг ташкилий композицион тузилиши билан боғлиқдир. Новербал воситалар қадаҳ сўзи нутқий жанрининг нутқий воқеъланишида муҳим аҳамият касб этади. Қадаҳнинг мавжуд бўлиши, қадаҳни кўтариш, қадаҳни ичиш кабиларнинг ижро этилиши қадаҳ сўзи нутқий жанрининг нутқий воқеъланишидаги энг зарурий босқичлардир. Қадаҳ сўзи нутқий жанрининг вербал ва новербал воситалари тадқиқи келажакда қадаҳ сўзи нутқий жанрининг ўзига хос лингвистик жиҳатдан ўзгармас, барқарор белгиларини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса қадаҳ сўзи нутқий жанрини бошқа тилларга қиёслаб ўрганиш билан бирга, инглиз ва ўзбек тилларида қадаҳ сўзи нутқий жанрининг лексик-семантик майдонини аниқлаш, қадаҳ сўзи матнларида жумла, содда гап, қўшма гап, мураккаб қўшма гап каби лисоний ва хатти-ҳаракат, имо-ишора сингари нолисоний воситалар ёрдамида акс этишини далиллаш, инглиз ва ўзбек тилларидаги қадаҳ сўзи нутқий жанрида тўй маросимлар, туғилган кун, расмий тантанали учрашувлар, базм ёки кечаларда сўзланадиган ёхуд кундалик сўзлашув нутқига оид қадаҳ сўзлари каби мавзуй гурухларига бўлинишини исботлаш, турли услубларга оид қадаҳ сўзларининг шаклий-композицион тузилишидаги лисоний ва нолисоний воситаларнинг миллий-маданий хусусиятлари аниқлаш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бахтин М.М. Проблема речевых жанров // М.М.Бахтин. Литературно-критические статьи. – Москва, 1986, 428-472.
2. Bawarshi A.S. Кўрсатилган асар. – Б. 3; Габуния З.М., Кремшакалова М.Ч. Жанр речи как единица современной лингвистики. Электронный ресурс: <http://revistaseug.ugr.es/index.php/cre/article/viewFile/2593/2736> Дата обращения: 13.12.2018